

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 186 (4584)
17 АВГУСТ 1981 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1
нөндан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тинин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ғалла ҳаммаша энг қимматли озиқ-овқат, барча ноз-неъматларнинг мезони бўлиб келган. Буюк фан-техника муваффақиятлари асри бўлмиш бизнинг давримизда ҳам ғалла халқларнинг энг биринчи ҳаётий негизи бўлиб қолмоқда. Одамлар космосга кўтарилишди, дарёлар, денгизлар, океанларни забт этишмоқда, ер қаъридан нефть ва газ қазиб олишмоқда, атом энергиясини жиловладилар, ғалла эса ғаллалигича қолмоқда.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

НОН-БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ УНИ ИСРОФ ҚИЛМАЙЛИК

• МИЛЛИОНЛАР МЕҲНАТИ САМАРАСИ
• ЭНГ АРЗОН, ЭНГ АЗИЗ

• Мўл-кўлчилик—нонқўрлик
дегани эмас

• ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТ ҚИЛСА...
• НОНВОЙЛАРГА ЭЪТИРОЗ

Нон... Бу неъмат ҳар кун, байрамда ҳам, меҳмонлар йиғилганда ҳам, оддий бегим кунларида ҳам дастурхонимизни безайди. Юзига седана сепилган тандир нонини оламизми, буханка нон ёки оғизда эриб кетадиган батонини оламизми, тешик-кулчани айтаемизми, қандай кўринишда бўлмасин, дастурхонда нон бор экан, демак тўқинчилик бор деган сўз. Нон табаррук нарса, деган ибора, бугун биринчи марта айтаётганим йўқ. Неча минг йиллардан буён одамзод нонни ўзининг энг азиз насибаси ҳисоблаб келган. Тандирдан янги узилган нон саховат белгиси, тинчлик, биродарлик тимсоли бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Жаҳондаги турли халқлар дон бошогини ўзларининг эгулик тимсоли, саломатлик тимсоли деб ҳисоблаганлар. Бизнинг буюк мамлакатимиз гербни ҳам бугдой бошогини бебаҳо турибди. Бу бежиз эмас. Қадимдан буён нон Ватанимизнинг асосий бойлиги бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Нон билан тинчлик сўзини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бугдой бошогини ўз мамлакатининг тимсоли қилиб олган бизнинг халқларимиз ҳаммаша ер юзиде тинчлик сибсатини ўтказиб келадиганлиги ҳаммага аён. Инсоният пайдо бўлгандан буён деҳқончилик, ғаллакорлик ҳунари ер юзидеги энг тинчликсевар ҳунар бўлиб келди. Негаки, деҳқончилик энг эзгу, айни пайтда, энг машаққатли меҳнатлардан биридир. Бир кафт дондан миллионлаб олтин бошоқ етиштириш учун, мана шу бошоқдан миллионлаб одамларнинг насибасини етказиб бериш учун одамзод меҳнат қилинади. Жаҳонда бундан ҳам саховатлироқ ҳунар бўлиши мумкинми?

Инсоният эсини танибдики, нон деган сўзни имон деган сўз билан ёнма-ён қўяди. Қадрдон дўстлик бир бурда нонни бўлашиб ейишдан бошланади. Энг мушкул дамларда бир халқ иккинчи халққа туз-насиба билан, биринчи навбатда нон билан кўмаклашган. Катта авлод 1921 йилнинг ҳақатчилик давларини яхши эслайди. Ушанда Россиянинг 34 губерниясида ғалла битмай, очарчилик бўлган эди. Бу майдонда 30 миллион одам яшарди. Худди шу пайтда Туркистонда, мўл-кўл ғалла ҳосили ундирилди. Ўзбек халқи шундай оғир паллада рус қардошларига ёрдам бермай туриши мумкин эмас эди. Улканми меҳнаткашлари 1921 йил сентябрь ойида очлик азобида қолган дўстларига ёрдам фондига сифатида 600 минг пуд ғалла юбордилар. Бу улкан жарвон миллион одамлар ҳаётини сақлаб қолди.

Дахшатли уруш йилларидаги ҳар қадок ноннинг қадри кишиларнинг ёдида бўлса керак. Уша машаққатли дамларда дастурхонга келтириб қўйилган бир бурда нон одамларнинг чеҳрасида умид ва табассум уйғотгани кўпларнинг эсидан чиқмаган бўлса керак. Шаҳримиз тарчанд ўзи фронт орқасида машаққатли ҳаёт кечириётганига қарамай, кўплаб одамларни нон билан—мана шу энг азиз насиба билан таъминлади.

«Декабрда англаб етдик биз: Нечун кўзга суртилди нон. Увоғини ерга ташламоқ — Барча гуноҳлардан ҳам ёмон. Кўз ёшига йўғрилгандир у, Қардошликнинг меҳридан бор из, Муқаддасдир энди биз учун. Бир парча нон — ризқу рўзимиз...»

Ольга Бергольцнинг «Ленинград поэмаси»дан олинган бу сатрларни ҳаяжонланмасдан ўқиб бўлмайди. Улар совет кишиларни уруш йилларида бошдан кечирган қийинчиликлар ва дахшатларни акс эттириб қолмасдан, бугунги кун ҳақида, бизнинг нонга муносабатимиз ҳақида ўйлашга мажбур қилади.

Ҳозирги кунда ҳамманинг дастурхони тўкин. Нон арзон. Бироқ, бу ғаллакорнинг меҳнати осонлашиб қолди, деган гап эмас. Қишлоқ меҳнаткашлари дастурхонимизни иссиқ нон безаши учун озмунча жисмоний ва маънавий машаққатларни бошидан кечирадими? Бир бошоқ ғаллани етиштириш учун қаҳратон аёзига, саратон офтобига дош бериб меҳнат қилади. Фақат бизга нон осонгина пайдо бўлгандек туюлади. Негаки, унинг нархи арзон. Ноннинг арзон бўлиши социализм эришган энг муҳим ғалабалардан биридир. Биз бу билан—жамиятимиз билан фахрланмоғимиз керак. Энди ўзимизга четдан бир назар ташлаб кўрайлик. Ушанда нон арзон бўлгани учун ҳам кўпгина уни қадрламаётганимизни пайқаб қоламиз. Кўпгина биз уни керагидан ортиқ харид қиламиз. Кўпгина қотиб қолган нонни улоқтириб юборамиз. Лекин мана шу «ортиқча» нон фақат бир бурда нон эмас, минглаб одамларнинг меҳнати эканлигини, бир ҳовуч бугдойни етиштириш учун қанчадан-қанча кишилар тер тўқанини, авайлаб ўстирганини, офтобда ёниб йиғиштириб олганини, теғирмонда ун қилиб, ниҳоят қайноқ тандир олаида пиширганини унутиб қўямиз. Мана шу табаррук нарсани ахлатга ташлашга қандай қўлимиз боради? Кеча сотиб олган кулчами, булка ёки батонми, сал қотиши билан ундай қўтилиш йўлини излаб қоламиз. Юмшоққинасидан егимиз келади. Нима қилти, ўн беш тийинга дагандек нон беради. Қолбуким, шундай деб ўйлашимизнинг ўзи, юмшоқ қилиб айтганда нонинсофлик эканлиги кўпгина ҳаёлимизга келмайди.

Ошхона ва рестороанларда, буфет ва қаҳвахоналарда нон қанчалик беҳуда исроф қилинаётганини биласизми? Кун охирида қолганда чедак-чедак нонлар ортиб қолади. Уни молга бериш учун йиғиштириб кетадилар. Овқатланаётган одам ўзига лойиқ қилиб нон олса, шунчалик исрофгарчилик бўлмаслигини ўйлаб ўтиришга вақтимиз йўқ. Бу нарсаларнинг ҳаммасини шунчалик исрофгарчилик, халқ мулкига беписандилик билан қараш деб қиёяланиш нотўғри бўлур эди. Очгини айт-

ганда, нонга нисбатан бундай муносабатда бўлиш жиноятдан бошқа нарса эмас. Эҳтимол, бу баъзиларга оғир туюлар. Лекин, ҳақиқатининг кўзига тик қарамоқ керак.

Катта арава қайси издан юрса, кичкиниси ҳам шундан юради, деган гап бор. Биз нонни менсимас эканмиз, болаларимиз биздан ўтиб ким бўларди? Кўчада кетатүриб, қотиб қолган нон бўлагини «футбол» қилиб тенаётган болага кўзингиз тушганими? Шундай болаларни учратиш мумкин. Улуғ Ватан уруши ветеранларидан бири редакцияга ёзган хатиде изтироб билан шундай дейди: «Яқинда операциядан чиққан эдим. Кўчада кетаётсам, йўлнинг ўртасида ярим буханка нон ётибди. Ўткинчиларнинг ҳаммаси кўриб туриб, индамай ўтиб кетишпти. Мен эгилмай десам, эгилмайман, операциям оғрийди. Ерга чўккалаб ўтириб, нонни олдим. Шу яқиндаги уйнинг дераза тоқчасига қўйиб қўйдим. Болалигимизда бизни шунга ўргатишган эди.»

Ҳа, қадимда болаларни нонни авайлашга, ерда ётган нон бўлагини кўрса, кўзига суртиб, бир чеккага олиб қўйишга ўргатишарди. Ҳозирги болаларни шунга ўргатишадими? Афсуски, бундай эмас. Акс ҳолда нонни копток қилиб тепган боланинг отаси оёғини сийдиришга тайёр турган бўлур эди. Ҳозир мактабларда яхши таълим беришади, яхши илм беришади. Лекин нима учун мактабда нонни авайлаш ҳақида дарс ўтиш мумкин эмас? Нима учун нон—табаррук ризқимиз, деган мавзуда дарс ўтиш мумкин эмас?

Нонни исроф қилиш аввало харидордан бошланади. Ҳали айтганимиздек, керагидан ортиқ нон харид қилиш, сал эскириши билан улоқтириб юбориш, буларнинг ҳаммаси эскичасига айтганда гуноҳ, янги-часига жиноят. Бироқ, нон ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам қатор эътироз билдириш мумкин. Нима учун нонвойхоналарда ёпилаётган нонлар бунчалик тез-қотиб қолади? Нима учун бугун олган нонингизни эртага могор босади. Нима учун нон дўконларида қўйиб кетган ёки хом, қингир қийиш ёки эзилган нонлар сотиладди? Нон заводи конвейери олдига турган назоратчилар, бундай маҳсулотни ишлаб чиқараётган нонвойлар, шундай нонни қабул қилиб олаётган сотувчиларнинг кўзи қаёқда? Ҳамма соҳада ҳам брақ маҳсулот ишлаб чиқариш ёмон. Бу—жамиятга моддий зарар келтирадиган ҳолат. Бироқ, нонни сифатсиз чиқариш фақат моддий эмас, маънавий зарар ҳам эканини унутмаслик керак!

Нон маҳсулотлари ранг-баранглигини ҳам ўйлаб кўриш керак. Бу ҳам исрофгарчиликнинг олдини оладиган воситалардан бири. Қасрга борсангиз, катта буханка нонни кўрасиз. 500 граммлик 50-70 граммлик нонлар жуذا кам. Халқимиз яхши кўрадиган кулча нон магазинларда кўпи? Кулчани деярли ҳеч бир дўконда учратмайсиз. Шу бовсан ҳам чакана нонвойлар бу соҳани ўз қўлларига олиб қўйишган.

Нонни тежаш, ундан ўрнида фойдаланиш умум-

дават, умумхалқ ишидир. Биз қасрда ишлаймиз, нима вазифани бажармайлик, нонвой бўламизми ёки савдо ходимими, ишчи бўламизми ёки деҳқонми, ҳар биримиз бу ишга жиддий бош қўшмоғимиз лозим. Бизнинг вазифамиз нон ишлаб чиқариш, савдо ташкилотларида, умумий овқатланиш муассасалари ва шунингдек, ҳар бир оиллада нонга тежаб-тергаб муносабатда бўлишни йўлга қўйиш, исрофгарчиликни тўхтатишдан иборат. Бу бизнинг инсоний бурчимиздир.

Нон—халқ бойлиги. Модомики бизнинг мамлакатимиз гербиде бошоқ тасвири ярақлаб турган экан, биз мана шу бошоққа, мана шу табаррук нонга эҳтиром ҳисси билан қарамоғимиз лозим. «Ғалланг бўлса, қўшиқ ҳам оғиздан тушмайди». Халқ авлоддан-авлодга топириб келган бу иборани Леонид Ильич Брежнев ўзининг «Қўриқ» китобининг дастлабки сатрларида айтиб ўтгани ҳам бежиз эмас. Негаки, Л. И. Брежневнинг ўзи мамлакатимизнинг ғаллакор мамлакатга айланиши учун, халқимиз тўқчилиги учун улкан ҳисса қўшган инсон.

Биз учун, бизнинг мамлакатимиз учун нон энг табаррук, энг азиз насиба бўлиб, бизнинг фаҳримиз ва ҳазинамиз бўлиб қолаверади. Биз мана шу нарсани ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Ноннинг кишилар ҳаётидаги катта аҳамиятини таъкидлаб академик И. П. Павлов ризқирўзимиз нон ҳақида ғамхўрлик инсон ҳаётининг барча жаб-халарида етакчилик қилиши бежиз эмас, у барча жонли мавжудот, шу жумладан инсонни атроф-муҳит билан боғлаб турган энг қадимий риштадир, деган эди.

Ҳа, нон аввалдигек муқаллас неъматдир, бизнинг фаҳримиз ва бебаҳо бойлигимиздир. Бунга ҳар биримиз унутмаслигимиз лозим. Елде тутибгина қолмай, уни энг азиз нарасдай эъозлашимиз, энг салимий ҳамроҳ сифатида меҳр-муҳаббат билан ардоқлашимиз керак.

Н. ИБРОХИМОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, булка-қондирер комбинатининг машинисти.

А. ХАТАМОВ.

1919 йилдан КПСС аъзоси, иттифок аҳамиятидаги шахсий пенсонер.

УЙГУН.

Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси. Октябрь революцияси орденининг кавалери, Октябрь революцияси номидидаги тепловоз ремонт заводи бригадаси бошлиғи.

Б. БОБОЕВ.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, уруш ветеранлари Совет комитети Тошкент секциясининг раиси, истефодаги полковник.

РЕДАКЦИЯ ДАН:

Шаҳримизнинг ҳар бир меҳнат коллективи, ҳар бир киши нонни тежаб-тергаш учун курашга қўшилмоғи лозим. Биз ҳаммамиз нонни авайлашга ўрганишимиз, уни исроф қилишга йўл қўймаслигимиз керак.

Нон ресурсларидан авайлаб фойдаланиш учун мунтазам иш олиб боришимиз керак. Бугунги кунда партия, совет, қасаба союз ва комсомол ташкилотлари мана шу курашга бошчилик қилишлари катта аҳамият касб этади. Нон ишлаб чиқаришда, савдо ташкилотларида, умумий овқатланиш муассасаларида нонни тежашга эришиш учун қатъий тартиб ўрнатиш, исрофгарчиликка чек қўйиш зарур.

Жамоатчилик назорати бу борада катта роль ўйнаши аниқ. Ҳар бир ҳамшаҳримиз нонни қадрлашга ўрганиши лозим. Ўзи ҳам нонни тежаб-тергаб ишлатиши, бошқаларга ҳам шунини ўргатиши — ҳар бир кишининг бурчидир.



ТЕАТР

ХАМЗА НОМЛИ ЭЪБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/УШ да Келнлар Кўзголин. ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШИРКИДА — Янги программа. «АРЕНАДА МОС. КВАЛИКАР».

КИНО

17 АВГУСТДА

«КИШДАГИ ТҒИ» — К. Ерматов номли (жуфт соатларда), Тинчлик (жуфт соатларда).
«ШАХСИИ ХАВФСИЗЛИККА КАФОН ВУЛОДМАЙМАН» — Мир (тоқ соатларда), К. Ерматов номли (тоқ соатларда), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда), Хамза номли (жуфт соатларда), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда).
«АЛВАСТИ» ГА КОПОН КҲ. МАНГ — Восток (юқини зал, жуфт соатларда), Дружба (жуфт соатларда), Чайка (жуфт соатларда).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИДА 17 АВГУСТДА

«ШАХСИИ ХАВФСИЗЛИККА КАФОЛОТ БЕРМАЙМАН»

НОМЛИ ЯНГИ БАДИИИ ФИЛЬМНИ ЧИҚАРДИ



Сценарий ағори — Геннадий БОКАРЕВИЧ.

Постановкачи-режиссёр — Анатолий БЕХОВТКО.

Улу Ватан уруши тамом бўлгандан сўнг кўп ўтмаёқ Ленинграддаги партия мактабининг ўқувчиси, жангчи Андрей Богатов Ғарбий чекка чегара районларидан бирига қурувчилар учун ёғоч етказиб беришни таъминлаш топширини билан практикага келади. Урмонда ян қурган фашистларнинг соёқ ёрдамчилари, қочоқлар, жиноятчилар ҳамон яшаб туришган эди. Андрей ўз ҳаётини ҳар дақиқада хавф остида қолдириб, ўзининг тақдирини қобилиятини низоҳат даражада ишга солиб, чекка қишлоқлардаги аҳолини бирлаштиришга муваффақ бўлади. У аҳолини ўзининг инсонийлик қадриятини кўчини ҳис этишларига, эркин ҳаёт курашига қўлга киритилганлигига ишанч ҳосил қилишларига эришиди.

Фильмда Ивар КАЛПИН, Семён МОРОЗОВ, Леонхарт МЕРЗИН, Виктор ПАРЛОВ, Наталья БОГУНОВА, Нина РУСЛАНОВАЛАР суратла олган.

«ЛЕНФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

БУТУНИТТИФОҚ КўНГИЛЛИ СПОРТ ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ВА «МЕХНАТ РЕЗЕРВЛАРИ» ҲАМДА 84-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 8 ва 10 синф ҳажмида маълумоти бўлган

НИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ «СРЕДАТРАНССТРОЙ» ТРЕСТИ УЧУН ҚУНИДАГИ КАСБАЛАР БУЙИЧА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ: сигнализация электромонтажчиси, темир йўл ва метрода маркашаштириш ва блокировкачи, кучланиш тармоқлари ҳамда электр ускуналари бўйича электромонтажчи, еритиш ва кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, слесарь-сантехник, газ-пайвандчи, ишт тегирувчи-монтажчи, сувоқчи-бўёқчи, дурадгор, қурилиш машиналари ва технология ускуналари ремонтчи бўйича слесарь.

Билим юртида эркин курашга мўйиллиги бўлган ўқувчилар учун спорт гуруҳларини бор. Улар 1965—1966 йилда тузилган, ешлар разрядига эга бўлган ускуналар қабул қилинади. Ўқитиш, волейбол, еттиш атлетика, бокс, футбол, стол тенниси бўйича қўшмачилар ишт бўлиб ишлаб туради. Совет Армияси сафидан завоқта бўшатиш, сигнализация, электромонтажчи, темир йўл ва метрода маркашаштиришчи ва блокировкачи-касобини ағалаш хохийи бўлган ешлар учун 6 ойлик курс гуруҳлари комплексланипти. Ойига 90 сум стипендия берилади.

Ўқувчиларнинг ҳаммаси ишлаб чиқариш практикаси даврида топан иш ҳақининг 50 процентини олади.

Ўқиниш — УЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИВ БОРИЛАДИ.

Сувоқчи-бўёқчи, слесарь-сантехник, еритиш бўйича ишт тегирувчи-монтажчи гуруҳларининг ўқувчилари учун шоферликка ўқитиладиган кечки бенул курс ташкил этилган.

Билим юртида мустақил равишда техника ва бадний ижодкорлик билан шуғулланиш учун шартлар, бошқа шаҳарлардан келганларга — шинам ётоқхона мавжуд.

МАШГУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Қунидаги ҳужжатлар керак директор лояиғи «Ариза», мактабдан харақтеристика, автобиография, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома еки паспорт, маълумоти тўғрисида шаҳодатнома еки аттестат, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 6 та фотосурат.

Бизнинг адрес: /00074, Тошкент шаҳри, Слоним кўчаси (8, 15, 23, 26, 61, 48-автотуслар; 15-маршрут таксининг «Иззат» бекати), Телефон 96-17-61.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИ

ВЕНТИЛЯЦИЯ СИСТЕМАСИ ДЕТАЛЛАРИНИ ТАЙЕРЛАШ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ-ВЕНТИЛЯЦИЯЧИЛАР, ВЕНТИЛЯЦИЯ СИСТЕМАЛАРИ ДЕТАЛЛАРИНИНГ МОЖАЖИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ-ВЕНТИЛЯЦИЯЧИЛАРИ ТАЙЕРЛАЙДАН

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ, 17,5 ЕШДАН 40 ЕШГАЧА БЪЛГАН КИШИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КУРСГА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛАРГА ОЙИГА 76 СУМ СТИПЕНДИЯ БЕРИЛАДИ ВА ЁТОҚХОНА БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Қирувчилар қунидаги ҳужжатларини топишради: паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтраҳиси; справкалари; турар жойидан, соғлиғи ҳақида, 3 лона фотосурат (3х4 см).

Машгулотлар гуруҳлар комплексланигандан сўнг бошланади. Муружаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, надрлар бўлими.

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТОШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшн қўмондонлик билим юрти вокант ваифақларига **КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ** кафедра мудирилар: математика ва назарий механика (профессор); кафедра катта ўқитувчиси: немис тили; кафедра ўқитувчилари: немис тили, француз ва инглиз тиллари. **КОНКУРС МУДДАТИ** — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ. Хужжатлар қунидаги адресга юборилиш: 700023, Тошкент шаҳри, 23-алоқа бўлими.

Ўрта Осиё табиий газ илмий-тадқиқот институтининг («СРЕДАЗНИНГАЗ») **КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ** Лаборатория мудирилар: газини ероистиди сақлаш, газнинг саноат ресурслари. **КОНКУРС** илмий даражада юқорини малакали мутахассислар еки ишлаб чиқариш тақрибасига эга бўлганлар иштирок этишлари мумкин. **КОНКУРС МУДДАТИ** — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ. Ариза ва хужжатлар қунидаги адресга юборилиш: 700029, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 2-уй.

Ўзбекистон ССР Хунар-техника таълими давлат комитетининг МЕХНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ, ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТЕПЛОВОЗ РЕМОНТИ ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ 155-ТЕМИРЎҚИЛЛАР УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1981—82 ўқув йили учун ҚУНИДАГИ ИХТИСОСЛАР БУЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЗОҚ МАНЗИЛЛАРГА БОРУВЧИ ПАССАЖИР ВАГОНЛАРИНИНГ ПРОВОДНИКЧИ.

Ўқиниш муддати — 1 йил. Ўрта маълумотли, 17,5 ёш ва ундан катта бўлган йигитлар ва қизлар қабул қилинади. Қабул қилинганларга ойига 30 сум ҳажмида стипендия ва ётоқхона берилади.

МАШИНАДА ҚОЛИПЛОВЧИЛАР. 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 17,5 ёш ва ундан катта бўлган йигитлар қабул қилинади. Ўларга ойига 30 сум ҳажмида стипендия берилади, 10-синф ҳажмида маълумотлиларга эса ойига 72 сум ҳажмида стипендия тўланади. Совет Армияси сафларидан запасга бўшатишган кишилар учун ётоқхонадан жой берилади. Ўқиниш муддати 7,5 ой. Машгулотлар гуруҳларининг тўлишига қараб бошланади.

ЭЛЕКТР ҚЎПРИК КРАНЛАРИНИНГ КРАНЧИСИ. 8—10-синф ҳажмида маълумотли, 17,5 ёш ва ундан катта бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. Ўларга ойига 72 сум ҳажмида стипендия берилади. Ўқиниш муддати 7,5 ой. Ётоқхонадан жой берилади. Машгулотлар гуруҳларининг тўлишига қараб бошланади.

ТЕПЛОВОЗ МАШИНИНИНГ ЕРДАМЧИСИ, ТЕПЛОВОЗ МЕХАНИКА ҚИСМИНИНГ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАВАНДЛОВЧИ, ТЕПЛОВОЗ СЛЕСАРЬ ҚИСМИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОНТИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ, СОВУТИШ УСКУНАЛАРИ БУЙИЧА СЛЕСАРЬ. Ўқиниш муддати 3 йил. Бу гуруҳга 8-синф ҳажмида маълумотли 15 ёш ва ундан катта бўлган йигитлар қабул қилинади.

Ўқинишга қабул қилинганлар 3 маҳал бенул овқат, кийим-бош билан таъминланади, шунингдек ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақининг 50 процентини олади. Ўқиниш муддати узлуксиз меҳнат стажига қўшилиди.

Билим юртини битирганларга диплом, аъло баҳолар билан тугатганларга эса олий ўрта махсус ўқув юртиларига имтиёзли шартларда ўқинишга кириш учун йўлланмалар берилади. Билим юртини битирувчилар темир йўл транспортини ишчиларига берилган барча имтиёзлардан фойдаланади.

Билим юртига кирувчилар қунидаги ҳужжатларини тақдим этишлари лозим: билим юрти директорининг номига ёзилган ариза, автобиография, гувоҳномалар: туғилганлиги тўғрисида, маълумоти тўғрисида; справклар; турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан; харақтеристика, 6 та фотосурат.

ХУЖЖАТЛАР ҲАР КҲНИ (йилноба кундан ташқари) СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чернышев кўчаси, 12-уй (1, 5-трамвайлар, 22, 55, 106-автотусларнинг «Фоменко кўчаси» бекати). Телефон 91-14-07.

170-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1981—82 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ВА ТЕМИР ЙЎЛДА ХИЗМАТ ҚИЛАДАГИ ҚУНИДАГИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ:

МЕТРОПОЛИТЕН УЧУН: электр поезди, электр ускуналарининг ремонтчи бўйича электр-слесарь, станция навбатчилари, эскалаторлар машинисти, тортиш подстанцияларининг электромонтери, маркашаштирилган блокировка системаларининг электромонтери, харақатдаги составни ремонт қилувчи слесарь, слесарь-сантехник.

темир йўл учун: ТЕПЛОВОЗ МАШИНИНИНГ (Совет Армияси сафидан запасга бўшатишган 10-синф ҳажмида маълумоти бўлган ешлар қабул қилинади); тепловоз машинисти ердамчиси, электровоз машинисти ердамчиси, маркашаштирилган блокировка системаларининг электр монтери, харақатдаги составни ремонт қилувчи слесарь, товар-билет ва бағаж кассирлари, бағаж ва юкларни қабул қилувчи-топирувчи.

8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЪЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқиниш муддати — 1—3 йил.

8-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар билим юртини тамомлагач, ўрта хунар-техника маълумоти тўғрисида диплом олади ва давлат томонидан кийим-кечак, уч маҳал овқат билан таъминланади. 10-синф ҳажмида маълумотли ўқувчилар ойига 30 сум стипендия ва тепловоз машинисти гуруҳларида ўқувчилар 72 сум стипендия олади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ҳамма ўқувчиларга малакали мутахассисга тўланадиган иш ҳақининг 50 проценти ҳажмида пул муқофоти берилади.

Ҳамма ўқувчилар билим юртини тамомлаганларидан сўнг иш билан таъминланади ва темирйўлларига берилган имтиёзлардан фойдаланади, аълочи ўқувчилар эса кириш имтиҳонисиз олий ўқув юртиларига ўқинишга юборилади.

Қунидаги ҳужжатлар керак: киник ариза, автобиография, маълумоти ҳақида ҳужжат, турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан, медицина (286-форма) справклар; 6 та фотосурат (3х4 см. ҳажмида).

ХУЖЖАТЛАР ҲАР КҲНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Адрес: Тошкент шаҳри, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй (4, 7, 9, 11, 14, 24, 28-трамвайлар; 13, 15, 16-троллейбуслар; 18, 54-автотусларнинг «Киров номли бог» бекати). Телефон 53-43-52.

ХУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

«ТАШГАЗ» БИРЛАШМАСИ ГАЗ БАЛЛОНЛИ ҚУРИЛМАЛАРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ҲАДЛАНАДИ

УЛАР БИЛАН ЭЪТИЁТ БЪЛИВ ВА ЭЪТИВОР БИЛАН МУНОСАБАТДА БЪЛИШ, ТЕХНИКА ХАВФСИЗЛИГИ ҚОНДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИШ КЕРАКЛИГИНИ



ТРИКОТАЖ ДОНМО МОДАДА

ТРИКОТАЖ — БУ ЖАКЕТ, ЖЕМПЕР, ТЪР КЪПЛАК, ПУЛОВЕР, КЪПЛАК, ШИМ, КОСТЮМ, ЭРКАКЛАР КЪПЛАГИ.

Сиз ҳамма вақт башинг ва зебо, модали кийини оласиз.

АГАР СИЗ ЖАВОБИНИНГДА ТРИКОТАЖ БЪУОМЛАР БЪЛСИН ДЕСАНГИЗ.

ТОШКЕНТ БОШ УНИВЕРМАГИ

СИЗНИ ЎЗИНИНГ САВДО ЗАЛЛАРИГА ТАҚЛИФ

ЭТАДИ

ВА ТОЗА ЖУН, ЖУН АРАЛАШ МАТО, СИНТЕТИК ТОЛАДАН ТУРЛИ РАНГ ВА РАЗМЕРДАГИ ТРИКОТАЖ БЪУОМЛАРИНИНГ КЪПЛАВ ХИЛЛАРИНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ:

ТЪР КЪПЛАК, ЖАКЕТ, ПУЛОВЕР, ЭРКАКЛАР КЪПЛАКЛАРИ, КОСТЮМ, ХОТИН-ҚИЗЛАР КЪПЛАКЛАРИ, ШИМ, ВОДОЛАЗКИ, КАЛГОТИЛАР.

ГЪМ — Охунбобоев номли майдонга жойлашган. Иш вақти — 9.00 дан 20.00 гача. Дам олиш кунини — душанба.

ГЪМГА 7, 8, 11, 16-трамвайлар; 28, 29, 32, 35, 38, 53-автотуслар; 8-троллейбус, 9-такси маршрутида бориш мумкин.

ГЪМГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

ГЪМ.

«ШИРИН» ЎҚИШГА ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ

ТУРЛИ ХИЛ ВА КЕРАКЛИ, ҚИЗИҚ ВА МУҲИМ КАСБАЛАР БОР. ЭНГ МУҲИМИ — КЪНГИЛДАГИ КАСБНИ ТАНАЛАШ КЕРАК.

ХУРМАТЛИ ҚИЗЛАР!

АГАР СИЗ САВДО СОҲАСИДА ИШЛАШГА АҲД ҚИЛГАН БЪЛСАНГИЗ.

«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИНГА

ЎҚИШГА КЕЛИНГИ

Сиз бу ерда 6 ойлик ўқув ва меҳнат практикаси даврида озиқ-овқатлар билан савдо қилувчи кичик сотувчилик касбини ағалайсиз.

Мақтаб-магазин — бу ўқувчилар бир вақтининг ўзида назарий билим ва амалий малака ағалайдиган савдо корхонасидир. Ўқиниш даврида бўлажак сотувчилар товаршунослик, савдо ҳисоби, совет ва меҳнат ҳуқуқи асосларини ўрганади.

МАКТАБ-МАГАЗИНГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ, 16 ДАН 25 ЕШГАЧА БЪЛГАН ҚИЗЛАР ИМТИҲОНИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Тошкент шаҳри ва Тошкент областининг Калинин районида пропискада бўлишлари шарт.

Машгулотлар ўбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқувчиларга ойига 63 сумгача стипендия тўланади.

Ўқиниш даври меҳнат стажига қўшилиди.

«ШИРИН» МАКТАБ-МАГАЗИНИНГ ТАМОМЛАГАНЛАР АҚМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЪЛИМИГА ҚАРАШИЛ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАГАЗИНЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

Ўқинишга кириш учун қунидаги ҳужжатлар керак: аттестат еки 8-синфни тамомлаганлиги тўғрисида шаҳодатнома, паспорт еки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, агар бўлса меҳнат дафтраҳиси; 3 та фотосурат (6х9 см. еки 3х4 см. ҳажмида), савдо бўлими директорини номига ариза.

ХУЖЖАТЛАР ШАНБА ВА ЯНҚАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КҲНИ СОАТ 9.00 ДАН 18.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШГУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Маълумотлар олиш учун қунидаги адресга муружаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, Ақмал Икромов район озиқ-овқат савдоси бўлими, (20, 33, 41, 54, 70, 75, 79-автотусларнинг «Фарҳод ярмаркаси» бекати).

«ШИРИН» мактаб-магазини қунидаги адресда жойлашган: Тошкент шаҳри, 23-қават, Г. Гулом кўчаси, 41-уй (4, 9, 17-трамвай; 2, 41, 54-автотусларнинг «Ширин» бекати).

АҚМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ БЪЛИМИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Э С Л А Т А Д И

Еъ пайтида газ баллонли қурилмадан фойдаланилганда баллонларни иссиқлик манбидан (аланга, қуёш нури, печ, электр иситиш асбоблари) нарига қўйиш керак. Чунки суялтирилган газ қизиган пайтда ҳамма кўпайди ва газ баллонни портлатиш мумкин.

Айниқса «Валтика» босимли регуляторни бўлган газ баллонлардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш керак. Баллон тасодифий зарб ҳамда иссиқлик таъсиридан ҳимоя қилинадиган жойга ўрнатилиши керак.

Газ баллонини «Валтика» босимли регуляторга тўғри улашга алоҳида эътибор бериш керак. Регулятор баллонга зич қийдирилиши керак ва ундан газ ҳиди чиқмаслиги лозим.

ҚУНИДАГИЛАР ҚАТЪИЙ МАН ЭТИЛАДИ:

Индирлаган газ горелкаларини қаровсиз қолдириш; газ чиқатганлигини олов еки текшириш, бунинг учун совит қўйилган фойдаланиш зарур; болалар ва махсус инструментида ўтмаган кишиларнинг газдан фойдаланишларига руҳсат бериш; баллонларни йамоат транспортида ташиш; газ баллонларини иситиш.

регулятор билан баллон клапани ўртасида бошқа нарсаларни иштириб қўйиш; баллонни ташлаб юбориш.

ГАЗ ҲИДИ ЧИҚАЕТАНДА: газ кранини, баллон буровини еки регулятор флажогини беркитиш; хонани шамоллатиш. Олов ёқманг, электр чиқроқлар ва асбобларни ёқманг ва ўчирманг, 04 еки 537346, 53-75-46, 53-56-19 телефонлари орқали авария хизматини чақиринг.

ШУНИ УНУТМАНГ! Газ аралашган ҳаво портлаш-ёғини қиқиш ҳафийни яратди.

ГАЗ ВА ГАЗ АСБОБЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОНДАЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛИНГИ

ЗАНГОРИ ЭКРАНАДА

17 АВГУСТ — ДУШАНБА

Марказий телевиденининг «Восток» программаси.

18.25 «Сиз яратган бог», 18.55 «Кувноқ нотачалар», 19.10 Футбол шарҳи, 19.40 КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! «Еш мутахассис ишлаб чиқаришда», 20.10 «Агар сен кетсанг», Бадний фильм, 21.30 «Время», 22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати «Спартак» (М) — «Зенит» (Ленинград) В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (22.45) — «Дуё воқеалари».

Марказий телевиденининг туртинчи программаси

Профилактика муносабати билан душанба 17 август кунини МТ IV программасининг кўрсатувлари трансляция қилинади.

Ўзбекистон телевиденисининг программаси

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Мушук ва кит» Мультифильм 18.30 Мактаб ўқувчилари учун «Бамак», 19.00 «Еш» студияси кўрсатади. «Ватанпарварлар», 19.30 «Ахборот» (рус.), 19.45 «Ўн», Фильм-концерт «Турменфильм», 20.10 «Дилан», Телевизион ҳужжатли фильм, 20.30 «Ахборот», 20.50 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Г. Фозилов, А. Гафуров, М. Тошматов ва иштирокчи концерт, 21.30 Москва «Время», 22.05 «Дуслар маслаҳати олтундан қиммат», 22.30 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳоли кундалиги, 22.